

## Вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси

### ВИЛОЯТИМИЗДА МУСТАҚИЛ ЖУМҲУРИЯТИМИЗНИНГ БИРИНЧИ НАВРЎ БАЙРАМИ УМУМХАЛҚ ШОДИЁНАСИГА АЙЛАНДИ

АЛИШЕР НАВОЙИ  
НОМЛИ РЕСПУБЛИКА  
МИЛЛИЙ БОҒИ  
ВА ХАЛҚЛАР ДУСТЛИГИ  
МАЙДОНИДАН  
РЕПОРТАЖ

Кўҳна Шарқ халқлари учун бирдек қадри ва эъзозли, қадимий, аммо ҳаминча навқирон Наврўз Ўзбекистонда катта байрам сифатида нишонланди. Эрта тонгдан оқ республикамиз пойтахти Тошкент шаҳрининг Самарқанд дарвоза, Кўча, Чингизой дарвоза каби турли ҳаётларида қарнай-сурнай ва нўғораларнинг шодонадан дарак берувчи таптананор садолари осмону фалакни тўлди.

Жарчиларнинг «Одамлар одамлар, бода битган бодомлар, эшитмадим де-манглар, тизроқ Наврўз сай-лига шонинглар...» дея шодонага чорловчи овози эшитилиши билан оқ кўҳна Шонинг қадимий уи икки дарвозаси шарақлаб очил-гандек бўлди. Ёш қари байрам либосига бурканган шаҳар томон кела бошла-ди. Кўп таҳликали кун-ларни кўрган ўзбек хал-қининг бошида истиқбол кўши порлади, ўз эрки, ўз ҳуқуқини қўлга олган Ўзбекистон Республикасини бутун жаҳон таниди, у Бир-лашган Миллатлар Ташки-лотининг аъзоси бўлди. Шунинг учун ҳам бугунги Наврўз байрами қатнаш-чилари чехралардан жум-ҳуриятимизда амалга оши-риладиган эзгу ишлардан мамнулик, шукроналик аломатларини билиб олиш қийин эмасди.



Одамлар Навойи номли боғ томон дарёдек тошиб кела бошлади. Атлас кўй-лаклар куёш ёғусида жилланган қиз-жувоилар, мунис онахон ва нуруний отахонлар Наврўз нашида-сидан баҳраманд бўлиш учун бу ерга тўпланишди. Тол баргидан сочпоқ та-қиб олган қизчалар танта-нада ўз қўшиқ ва рақсла-

рини намойиш этиш учун Халқлар Дустиги майдо-ни сари шошиладилар. Кўш қарнай-сурнай ва нўғора садолари баҳорни олқашловчи наволар билан алмашади. Ўзбекистон Рес-публикаси Бош вазيري А. Муталов, Ўзбекистон Рес-публикаси Олий Кенгаши

(Давоми 4-бетда).



давраининг энг улуғ киши-лари сифатида қадрланди. Қўшқинчи ва санъаткорлар эса ўзларининг дилрабо куй ва қўшиқлари билан давраини янада қизитишди. Шунингдек, ташкил қилин-ган спорт мусобақалари бай-

рам қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.


СУРАТЛАРДА: Тошкент вилояти ҳокимлигида ўт-ган Наврўз шодиёналари-дан лавҳалар.

В. ХАРИТОНОВ  
олган сураатлар.



Ўзгача бир шукуҳ ва та-роват билан ўлкамизга та-шириб буюрган табиатнинг ашарини, янгилашган бай-рами Наврўз оламини ви-лоятимиз ҳокимлиги ходим-

лари ҳам катта қувонч ила қарши олдидлар. Байрам дастурхонига мўътабар ва мунис отахону-онахонлар, меҳнат ва уруш фахрийла-ри тақлиф этилди. Улар



Анъанага кўра байрамдан олдин вилоят шаҳар ҳамда қишлоқларида ободонлашти-риш ишлари олиб борилиб, янги боғлар ҳамда парklar барпо этилди.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят Кенгаши ҳам «Нав-рўз» олдидан бир қатор иб-ратли тадбирларда қатнаш-ди. Маълумки, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида нафа-қахўрлар, кўп болали оила-лар, кам таъминланган ки-шилар моддий жиҳатдан қи-йин аҳволда қолишди. Тош-кент вилоят партия ташкило-ти мана шундай кишиларга ҳамда партия ва меҳнат фахрийларига қўқур эҳти-ром рамзи сифатида — моддий ёрдам кўрсатиш та-шаббуси билан чиқди. Вило-ят Кенгашининг аъзолари фахрийларнинг уйларига на эмас, улар даволанаётган касалхоналарга ҳам бориб, аҳволларидан бохабар бў-лишди. Фахрийларга шонли меҳнатлари учун ташаккур-лар билдирилди.

## САҲИЙ АНЪАНАЛАР

Ишонамизки, янги партия-нинг ҳеч бир аъзоси бизнинг назаримиздан четда қолмай-ди. Бу анъанани бундан ке-йин ҳам давом эттирамиз. Буни жойлардаги шаҳар ҳамда район партия ташки-лотлари яхши тушунадилар. Шу билан бирга партияимиз-нинг яна бир муҳим вазифа-си жамиятимизни маънавий соғломлаштириш, миллий маданиятни юксалтириш, рес-публикамизга маънавий бой-ликларни қайтариб, тарихий обидаларни тиклашдир.

Шу мақсадда биз жамоат жойларида юртимизнинг кек-салари, меҳнат қаҳрамонла-ри, расом ҳамда ёзувчилар билан учрашувлар ўтказдик. Бунда турли маҳоратли ҳам-да ҳаваскор артистлар, сўз усталари иштирок этишди.

Байрам кунини очиб майдон-ларда адабий-музичий томо-шалар, байрам концертлари ташкил этилди. Бу дастур-ларда болаларга ҳам алоҳи-да эътибор қаратилди.

Вилоятимизнинг ҳамма жойларида бўлиб ўтган халқ сайилларида турли савдо ша-хобчалари ишлаб, палов ҳам-да бошқа миллий таомлар тайёрланди. Бир сўз билан айтганда байрамнинг саҳий анъанаси яна бир намоиш этилди.

А. МУҲИТДИНОВ,  
Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят Кенгашининг ахборот-сиёсий хўда маданий марказининг маслаҳатчи-си.

## МЕҲР - МУРУВВАТ АЙЁМИ

НАВРЎЗ фақат қўнғил-чорлик ва шоду ҳуррамлик-лардангина иборат байрам эмас, айни чоғда меҳнат ва дўстлик, эзгулик ва меҳр-оқибат айёми ҳамдир. Шу босдан бекободликлар бу йилги Наврўзни пухта тай-ёрларлик билан кўтиб олди-лар. Қўнғил нафаси сези-лиши билан оқ жойларда ҳашарлар уюштирилиб, қў-ча-қўй ва маҳаллаларини обо-донлаштирилди, ариқ-зовур-ларини тозалаб, далавлари баҳорни экин экишга хо-зириладилар. Қабристонла-ри тартибга келтириб, «тур-муши нўҳор оилаларга мод-дий ва маънавий ёрдам кўр-сатдилар.

Айём шодиёналари эса, таъбир жоиз бўлса, ана шу хайрли ишларнинг ўзига хос сарҳисоби бўлди. Вар-ча хўжаликлар ва қишлоқ-ларда, корхона ва ўқув дар-

гоҳларида Наврўз катта тан-тана билан нишонланди. Жумладан, ноҳия марказий шифохонаси ходимлари бу сафар ўз қувончларини бу ерда даволанаётганлар бил-ан бирга баҳам кўрдилар. Шу мақсадда шифохона бош врачини муовини Ҳусанбой Тўрабеков, касба уюшмаси раиси Этамкул Аноркулов, асаб хасталиклари бўлими мудири Раҳматилла Умро-қовлар бошчилигида бай-рамни нишонлаш гуруҳи ту-зилди. Бу гуруҳ тантаналар жараёнида асосий эътибор-ни Наврўзнинг миллийлиги-ни таъминлашга, маънавий қадриятларимиз ва қадимий анъаналаримизни эъзозлаш-га қаратишни ўз олдларига мақсад қилиб қўйдилар.

Уларнинг саъй-ҳаракатла-ри зое кетмади: 20 март кунини тоғ саҳарлаб шифо-хона ҳовлисида нўғора ва

қарнай-сурнайлар овози ян-гади. Кўп ўтмай бу садо-ларга ёшларнинг шўх ўйин-кутилари, кексаларнинг шукроналари, табиқ-қўт-ловлари ва эзгу тилак-ис-таклари уланиб кетди. Бай-рам дастурхонининг асосий зийнати шифокорлар томо-нидан тайёрланган сумалак бўлди. Шунингдек, бошқа миллий таомларимиз ҳам тортилди. Қўнғил халқимиз турмуш тарзини ифодолловчи, аммо кейинги йилларда бир-мунча унутилган азаллий анъаналаримиз, шарҳона урф-одатларимизга бағиш-ланган кўриқ-танловлар бў-либ ўтди. Сирасини айтган-да, шифохоналарда Наврўз байрами том маънода меҳр-мурувват ва қадриятлар на-моишига айланди. Уни қўн-ғилли ўтказишда Нурилла Турсунматов, Сабохат Тур-сунматова, Мамлада Абду-лаева, Ҳадижа Ғаниева, Ёкутхон Исроилова сингари врач ва ҳамшираларнинг ҳиссалари катта бўлди.

Ноҳиянинг хўжаликлари ва қишлоқларида давом эт-ган Наврўз сайиллари бекободликларни улуг иш-ларга даъват этмоқда.

Рўзикал ЭСОНОВ.

## ХУШНУДЛИК

ди. Барчани ана шу қўлтуғ айёмин кенг нишонлашга, эъзозлашга даъват этади.

Шу тариқа турли белла-шувлар, спорт мусобақалари бошланиб кетди. Ноҳия ма-даният уйининг «Муножот» фольклор қаровчисини йўқот-ганларга, ногирон ва фах-рийларга меҳр-мурувват кўрсатилди, — дейди ХДП ноҳия Кенгаши биринчи ко-митби Ҳайриддин Абдужа-боров. — Жумладан, 24 та кўп болали ва кам қувватли оилаларга бир бошдан ситир берилди, 325 та хонадонга 50 минг сўмлик моддий ёр-дам кўрсатилди. Ноҳия ҳо-кимлиги эса 101 та хона-донга ҳайри-аҳсон улашди.

Байрам кунини ноҳия раҳ-барлари касалхоналарга ташириб буюришиб, касал-лар ҳолидан хабар олишди. Уларга турли совға-салом-лар тарқатилди. Ноҳияда «Наврўз» тантаналари да-вом этмоқда.

Х. ТОШТЕМНРОВ.

## Миннатдормиз

### ҚУВОНЧ УСТИГА ҚУВОНЧ

МУСТАҚИЛ жумҳури-ятимизда юз бераётган ижо-бий ўзгаришлар ҳамма қато-ри бизни ҳам қувончли воқеа юз берди. Биз истиқомат қиладиган уй ўзининг шах-сий мулк сифатида совға қилинди. Бундан ташқари бир неча йилдирки, уйимиз-да халққа бешинат хизмат қиладиган телевизор ва ра-дио тузатиш устaxonаси фаолият кўрсатиб келарди. Бизга енгиллик яратиб маъ-садида уйимизнинг ёнгина-сида давлат томонидан бе-нуз устaxonа қуриб берил-ган бўлди.

Маълумки, Наврўз олам қадим-қадимдан кишиларга меҳр-мурувват ҳамда қу-вонч улашиб келган. Наврўз айёми кенг нишонланаёт-ган ушбу дамларда оиламиз учун ҳам қувончли воқеа юз берди. Биз истиқомат қиладиган уй ўзининг шах-сий мулк сифатида совға қилинди. Бундан ташқари бир неча йилдирки, уйимиз-да халққа бешинат хизмат қиладиган телевизор ва ра-дио тузатиш устaxonаси фаолият кўрсатиб келарди. Бизга енгиллик яратиб маъ-садида уйимизнинг ёнгина-сида давлат томонидан бе-нуз устaxonа қуриб берил-ган бўлди.

Бизга кўрсатилган бундай чексиз меҳр-мурувватдан бошимиз осмонга етди. Ойла аъзоларимиз номидан ша-хсан Президентимизга катта миннатдорчилик изҳор қил-моқчимиз. Уни ва барча меҳнаткашларни «Наврўз» байрами билан чин дилдан муборакбод этамиз. Уларга мустақам соғлиқ, эзгулик йўлида бошлаган хайрли ишларига эса омад тилаб қоламиз.

ШАДРИНЛАР ОНЛАСИ,  
Қиёрий ноҳияси.









# КЎКДАГИ ОЙДАН СЎРАНГ...

ОҚСОҚОТА дарёси соҳи-  
лидаги «Энгбек» жамоа ҳу-  
жалиги ҳудудидан тантаналар  
майdonи 21 март кунин  
эрта тондоноқ одамлар билан  
гавжуллаша бошлади.  
Ноҳиянинг барча қўғонларидан,  
ҳўжалиқларидан, ташиқотларидан,  
муассасаларидан бу ерга келадиган  
одамлар оқими ўзгача бир  
кайфият кашф этган эди.  
Ҳамманинг юзиде та-  
бассум, қалбиде қувонч...

Осмонда пайдо бўлган  
вертолётлардан ташланган  
варақалар ва тушиб кела-  
ётган 11 нафар парашютчи  
Наврўз тантаналари бошлан-  
ганидан хабар берди.

Йирилганларни ноҳия ҳо-  
кимини Қамбарали Йўлдошев  
астойдил, чин қалбдан бай-  
рам билан муборакбод этган-  
дан сўнг қарнай-сурнай  
садолари янгради. Ўзбек,  
қозоқ, тоjik, рус, татар,  
қирғиз, немис, турк ва бош-  
қа миллат вакиллари кўй ва  
қўшқларни авжига чиқди.  
Ҳар бир миллиятнинг ўзин-  
га хос рақсларини томоша  
қилиш учун ҳаракат қила-  
ётган кишилар чехраси  
ёришгандан ёришиб борар-  
ди.

Меҳмоннавозликсиз бай-  
рам бўлмади. Ноҳияда ис-  
тикомат қилаётган 47 мил-  
лат вакиллари ўз миллий  
таомлари билан биродарла-  
рининг кўнглини олишга ҳа-  
ракат қилдилар. Ўзбек па-  
лови, қозоқча бешбармоқ,  
украинча чучвара, русча  
борщ, корейсча кукеси си-  
гари таомлар ҳаммага ман-  
зур эди. Ҳалим, сумалак,  
кўк сомса ва бошқа реза-  
ворлардан тайёрланган ноз-  
неъматлар бир-бири билан  
гўё «баҳ» бойлаётгандай эди.

Ўзбек лапарлари айтаёт-  
ган бир гуруҳ онахонлар  
даврасига яқинлашамиз.

— Булар бизнинг собиқ  
ҳодимларимиз, — деди но-  
ҳия шифохонасининг бош  
табиби Ўрмон Тўлағанов, —  
Тамара Камолова, Тозагул  
Турсунқулова, Умржон Нур-  
матова сингари аяжонларимиз  
кўп йиллар давомида та-  
бобат соҳасида ишлаб,  
пенсияга чиққанлар. Мана  
бугун улар давраниш кўрки  
бўлиб ўтиришди. Энди  
оуёққа қаранг... Турсунқу-  
лова бош табиби ўринбосари  
Фотима Карамимова ҳиндча  
рақсга тушмоқда. Зайтуна  
Жусупова эса татарча жир-  
ламоқда. Турк аёли Зауре  
«Карголи» эса йилгиларини  
ўз тилида айём билан та-  
брикламоқда.

Мен умрим бини бўли-  
бундай ҳурматини кўрма-  
ганман, — дейди суҳбатта

Р. УМАРОВ.

## БИРЖА СОВҒАСИ

РЕСПУБЛИКАМИЗ иж-  
тимоий таъминот вазирли-  
га қарашли ҳунар-техника  
билим юртида телевизор  
ҳамада радио созловчи уста-  
лар тайёрланади. Мазкур  
билим даргоҳининг 90 фоиз  
талабалари жумҳуриятимиз-  
нинг турли район ва шаҳар-  
ларида истикомат қилувчи  
ноғиронларнинг фарзандла-  
ридир.

Ушбу билим юртига Нав-

(Ўз мухбиримиздан).

дилбанди баҳордир. Туркий  
халқлар орасида Наврўз-  
нинг пайдо бўлиши билан  
боғлиқ бўлган афсоналар  
кўп. Айрим афсоналарда  
тангри дунёни, кеча билан  
кундузни Наврўз кунин ярат-  
ган дейилса, бошқа бир ир-  
виотларда оғалари томонидан  
қудуқча ташланган  
Юсуф бир бозоргон-савдогар  
томонидан Наврўз кунин қут-  
қаришдан, шунинг учун уша  
кунин байрам қилиш урф  
бўлган дейилса, ўтмиш во-  
қеаларини яхши билувчи  
баъзи ровийларнинг ҳикойи  
қилишларига, Наврўз худо

ҲАЗРАТҚҮЛ бахши Ху-

# АБАДИЯТ НУҚТАСИ

томонидан инсон яратилган,  
ер юзидеги жамани жонив-  
орларга ҳаёт бахш этилган  
кун эмиш. Ушангача ҳамма  
юлдузлар ҳамал буржига  
тўпилган турган экан, худо  
уларни Наврўз кунин осмон-  
даги ўн икки буржга сочиб  
юборган эмиш.

ХАЛҚИМИЗ орасида Нав-  
рўзн қачон нишоналини  
аниқлаш билан алоқадор та-  
лайтина афсона ва айтана-  
лар манжуд. Одатда Нав-  
рўзннинг бош дароҳиллари  
болалар ҳисобланади. Ман-  
баларда битилишча, шо-  
фиреонлик болақайлар за-  
ғирдон уюсига туҳум қўйи-  
шани кўришса, даровор бу  
хабарни кеталарга етказиб,  
Наврўзннинг дароҳилини бериш-  
га ва суянчи олишга шо-  
шилганлар. Тошкент, Жиз-

дойберди ўғлининг ҳикойи  
қилишича, Қашқадарь воҳа-  
сида баҳор келиши лайлак-  
ларининг учиб келиш мудда-  
тига қараб белгиланган. Бу  
ерларда лайлаклар одатда  
10—15 марта оралиғида  
учиб келаркан. Шундан кей-  
ин Ёрқон қорни ҳам «лай-  
лак қор» дейдилар. Қашқа-  
дарьликлар орасида лайлак-  
ларнинг учиб келиши ва Нав-  
рўзннинг бошланishi ҳақида-  
ги бир афсона ҳам бор: Ил-  
гарилар элу юрти осмонда,  
Шаҳрисабз томонда Қул-  
чуммоқ деган киши ўтган  
экан. Экин-тинчиларни  
екан, чорва молларини яй-  
ловга олиб чиқиш муддати,  
йиллик ёгин-сочин миқдори  
ва тартиби, фасл ва ҳисоб-  
китобини қилиб юрар экан.  
Илк қўшма кушларининг  
бирлиги у ҳамқишлоқларига  
қараб:

эътироз билдирибди. Шунда  
оқсоқоллар:  
— Қулчуммоқ — жуда  
билигчи одам, у ҳеч қачон  
қўшмадан адашган эмас.  
Айтган гапи доим тўғри чи-  
қадан, дейишди.  
Бек оқсоқолларга жаҳл  
қилиб Қулчуммоқ айтган  
Калтаминорнинг ёнига бе-  
шунга пойлоқчи қўйдириб,  
лайлакни кузатишни бую-  
рибди. Бекнинг одамлари  
ҳам туғу кун миёнага қоқ-  
май қўшма тиқилиб ўтира-  
рибдилар. мабодо лайлак  
келиб қўшма ҳуркигиб қува-  
миш деб. Бир кун тонгга  
яқин Калтаминорнинг тепа-  
сидан бир қўш оғангай бў-  
либди. Пойлоқчилар бундоқ  
тиқилиб қарасалар, Қалта-  
минорнинг устида лайлак айла-  
ниб турибди. Шунда улар

мак, уни Калтаминорга қўй-  
май қўшмадан юборганлар. Ма-  
бодо оғида турган бўлса,  
мен енгилган бўламан, —  
деди. Мулозимлар келиб  
кўришсаки, лайлаклар шўр-  
лик чарчаган эмасми, уюс-  
ча бағрини бериб пусиб  
ётибди. Бек улардан  
одамлар олдида иза бўлиб  
қолган экан.  
Наврўз арафасида бек  
катта эътифот берибди, бу  
ўтиришга Қулчуммоқ ҳам  
айтирилган экан. Галдан  
қай чиқиб, йилбошин қачон  
келиши ҳусусида одамлар  
тортишиб қўлобдилар. Шун-  
да бек:  
— Янги йил деган бун-  
доқ кўришиб келмасе, қачон  
киришни сиз қачондан би-  
ласиз? Кечасини, кундузи-  
ни, тонгдами, оқшомдами,

қачон келадиган бўлса, де-  
б сўради Қулчуммоқдан.  
Қулчуммоқ бир қўлига  
кўк тош, иккинчисига лўноқ  
олибди-да бироз кутиб ту-  
рибди. Ёр зумдан сўнг пи-  
чок билан тошни ишқалатган  
экан, у худди сариғни кес-  
гандай тошни кесиб қўйди-  
ди. Ҳайрон бўлиб қараб  
турган давра аҳлига қараб:  
— Ана шу қўн тош қар-  
айли бир марта юмшайди.  
У сариғдай эриган пайтда  
Наврўз — янги йил келган  
бўлади, — деди Қулчуммоқ.  
Дарҳақиқат, шундан сўнг  
Бекнинг мулозимлари қан-  
чалик уринимасин, ҳалигача  
тошдан ақалли бир уюшча-  
ли ҳам уштомлабдилар.  
АҲДОДЛАРИМИЗ йил  
алмашадиган дақиқада йил  
роҳи муқимиз рўй беришга  
шайланган. Айттиларча,  
қадим замонларда Наврўз  
қадимдаги худонинг амин  
билан ҳамма дов-дараклар  
саломат бон эгир бе бағир-  
лаб қўшмаганлар. Бу му-  
яизадад теваарак-атроф худ-  
ди қўшмадан кетган кет-  
таркан. Ривоят қилишлар-  
ча, бир йил Наврўз оқшом  
бир кампир ярим оқшом  
уйғусун қочиб кетиб, уйго-  
ни қараса, ҳаммаёқ ёри-  
шиб кетган. «Не, тонг  
отиб қолди-ку ухлаб қо-  
либман-да!» деб ўйлаган  
кампир ҳовлига чиқиб қара-  
са, катта шотутини қадди  
бўлибди, ерга тегай-тегай  
деб турганмиш. Кампир  
оғилхонасидан бузоғини олиб  
чиқибди-да ҳалигача шоту-  
тин шохига боғлаб, яна би-  
роз миғизиб олиш учун уйга  
кириб кетди. Эрталаб ту-  
риб қараса бузоғи тутини  
тепасида осилиб турганмиш.  
Кечаси янги йил юратган-

да саждага эгилган дарахт-  
лар тонг маҳали яна қадди-  
ни ростлаган эмасми, кам-  
пирнинг бузоғи ҳам тутта  
осилиб қолган экан.  
Бундай асосир ва афсо-  
налар Наврўзнинг тарихи  
ни жуда олис замонларда  
яшаган аждодларимизнинг  
эътиқодий қарашларига бо-  
ғлиқлигини кўрсатади. Дар-  
ҳақиқат, Наврўз байрами-  
нинг пайдо бўлиши Ўрта  
Осиёда яшаган қадимги аҳо-  
лининг мифологияси тасаву-  
рлари мажмуи зардуштийлик  
билан алоқадордир. Тошкент  
ли килиш олими М. Бонс-  
нинг таъкидига, қадимги зар-  
душтийлар оламда табиат  
зағаришларини, фасаллар ал-  
машувини, қўш ҳаракатини,  
хуллас, дунёдаги ҳаётни ўз  
иқлими солиб турувчи му-  
қимиз бир куч бор, деб ўй-  
лаган эканлар. Бу илоҳий  
кудрат, яъни табиат қонуни  
зардуштийликнинг муқад-  
дас китоби «Авесто»да  
«аша» сўзи билан ифода-  
ланган. «Аша» сўзи «ҳақи-  
қат», «эътиқод» маънолари-  
ни англатар экан. Ёрулғи  
ва аҳлиқили раъзи Ахура  
Маада томонидан яратилган  
Аша-Вахшита номли тангри  
ана шу эъгулик қучларини  
ўзиде муқимизлаштирган  
эмиш. Афсоналарда айтил-  
ишча, зардуш аз яратган  
етти муъжиза (сув, тупроқ,  
ҳаво, олов, ёмғирлик, ситир  
ва одамга) монанд ҳолда ет-  
ти байрамни ҳам жорий  
қилган эмиш. Еттинчи муъ-  
жиза—олов ҳамда эъгулик  
ҳомийси Аша Вахшита ша-  
рафига баҳорини удуш —  
Наврўзнинг ўтказиш анъана-  
сини ўтказиш пайдо бўлган  
экан.

Афсоналарда Наврўз-

мизнинг келиб чиқиши қу-  
шнинг чиқиши, оловнинг  
кашиқ этилиши билан бо-  
ғлиқ ҳолда тушутирилиши  
ҳам бекиз эмас. Чунки бу  
байрам олов ва қўш ҳо-  
мийси, эъгулик раъзи Аша  
Вахшита номли билан киши  
кузатиш, янги меҳнат ма-  
всумини бошлаш билан бо-  
ғлиқ анъаналарга суянган  
бўлиши керак. Ўйнобарин,  
Абу Райҳон Берунийнинг  
«Қадимги аждодлардан қол-  
ган ёдгорликлар» номли  
асаридеги қўшдаги саврага  
шундай хулоса чиқариш  
шайгон тугайди: «Жамийда  
пайдо бўлган муъжиза  
дунёни янгиладан ва бу иш  
қилинган кун, яъни Наврўз  
янги кун деб аталди. Гар-  
чи у Жамийдан аввал ҳам  
ҳурмат қилинган бўлса-да,  
ҳақиқатга айланган.

Демак, Наврўз Ўрта  
Осиёда яшаган қадимги де-  
хонларнинг баҳорини удуш-  
лаш, қўшмадан эъволадан  
сув, олов, тупроқ, қўшга  
сигиниши билан боғлиқ ма-  
росим ва эътиқодларни асо-  
сида бундан уш ярим —тўрт  
минг йилча бурун пайдо  
бўлган умумхалқ байрами-  
дир. Бу байрам ерни севин-  
ча, меҳнатни қадрлашга,  
қўшма муъжизалардан  
лаззатланишга, ҳаётнинг бо-  
ғлиқлигига имон келтиришга  
ўргатади. Наврўз экин йил  
туғаб, янги ерни бошлаб бе-  
ридан, деҳқон умид билан  
ерга баракча уруғи қа-  
дайидан, қўш қўшқларни  
ям-яшил ўтлоқча ёнди-  
ган саодатли кундир. Бу кун  
эъгулик тантана қилади. Бу  
кун — ҳаётнинг абадий  
нуқтасидир.

Маматқул ЖҲРАЕВ,  
фольклоршунос.

НАВРЎЗ АФСОНАЛАРИ



## БИР ПИЁЛА ЧОЙ УСТИДА

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»  
ТАҲРИРИЯТИДА  
ГУРУНГ

Қутлуғ баҳор айёми арафаси «Тошкент ҳақиқати» журналистлари ҳам Наврӯз дастурхони атрофида тўп-ландилар. Бу даргоҳда узоқ йиллар меҳнат қилиб, ҳозир фахрий дам олишда бўлган табаррук қариялар таҳририятга келишди.

Бир пиёла чой устида бўлган қизгин гурунгда ўзбек матбуотининг энг кенс вакилларида бири Шобарот Кузаноков. 30-йиллардаги синфий қарама-қаршиликлар авж олган бир пайтда янги бунёд бўлган рўзноманинг дадил чиқишлари тўғрисида гапирди. Кенс шoir Назармат Эгамназаров Улуғ Ватан уруши ва ундан кейинги йиллар иқдорлари тўғрисида, Фаридат Усмонова, Солиҳа Каримова, Эътибор Мамажоновна эса 50—60-йилларда кунини тунга улаб, таҳририятда отирилган тонглар ҳақида хотир-лашди. Бу даргоҳда кўп йиллар ҳалол меҳнат қилган Гафур Ғулом, Шайхонада, Босит Халилов, Аҳмад Исмоилов, Усмон Жоңғитов, Салимов Маҳмадов, Малик Иброҳимов, Муборак Ғозиев, Зариф Муҳаммад-жонов, Яшин Салимов, Аҳмад Мансуров ва бошқа касбдошларнинг порлоқ хотиралари ётган олинди. Эс-даликларнинг ҳаммасида «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти иқдорлари учун «ишхона». Қутлуғ даргоҳ бўлиб келган, неча ўнлаб таниқли қаламкашларни тарбиялаб воёга етказган, деган фикр қизил ипек ўти. Ёшларни ана шу устозларнинг шонли анъаналарини давом эттириш, меҳр-оқибатли, ишга садоқатли, ҳамisha елкадош ва ҳамкор бўлишга даъват этилди.

«Тошкент ҳақиқати» муҳаррири Нўрмои Насимов ҳозир истифодий қийин давр-ни бошидан кечираётган жамоанинг юрт мустақиллиги учун, меҳнаткашларни иқтисодий ҳимоя қилиш йўли-да журналистлар олаб бора-ётган ишлар, иқидий режа-лар ҳақида сузлаб берди.

## ЎЗБЕК ЧИННИСНИНГ ДОВРУГИ

ЎЗБЕК ЧИННИСНИНГ до-вруғи бутун дунёга тарқал-ган. Сержио, Готт нафис ва дид билан ишланган чинни буюмлар бугунги кунда хориқдаги кўпгина мамлакатларда ҳам эъзоз топмоқда.

Югославиянинг Загреб шаҳрида бўлиб ўтган халқ-аро кўргазмада намойиш қилинган экспонатлар ора-сида Тошкент чинни заво-дида тайёрланб, юкори баҳоланган ранго-ранг бо-румлар намуналари ҳам бор эди. Кўргазмада томоша-бинлар эйтиборини ўзига тортиган бу чиннилар олтин медалга сазовор бўлган эди.

Корхона ҳаёти учун му-ҳим воқеалардан бири си-фатида бу каби кўпгина му-нофотлар билан боғлиқ ҳужжатлар эндиликда ало-ҳида жамланма ҳолда сақ-ланмоқда. Ана шу қизи-қарли материаллардан бир қисми завод музейидан ҳам ўрин олапти. Корх-онанинг Германиядаги Лей-пциг шаҳрида намойиш қи-линган халқаро кўргазмага юборган экспонатларни ҳа-қида ҳикоя қилувчи ҳуж-жатлар ҳам музейга қўйил-ди.

А. АКБАРОВ.



Бу кўркам, серфайз ши-фхона ҳақида йлгарилари ҳам ёзилган. Хар сафар пойтахтдаги Абу Али ибн Сино номли ана шу 1-кли-ник касалхонанинг саломат-лик посбонлари билан умра-шилганда улардаги янги-ли-ги инсонийлик фазилатлари ўзгача намойен бўлаверади.

...Байрам дастурхони кат-та тўйлардаги каби тўкс ва ранго ранг. Бўлимлар аро танлов йули билан безатил-ган дастурхонларда кўклам неъматларини намойен қила билши, уларни дид ила қў-йиш, шифхона атрофидаги Илчи, Авангард маҳалла-ларидан келган вакиллар ва барча меҳмонларни хушта-возеълик билан кутиб олиш каби шартлар ҳам мўжас-самлашган.

Бу талабни эрталабдан «Наврӯз» давраси ташки-лотчилари — Дилбархон Исмаилова, Ахрор Шарипов, Клара Мирсотова, Абду-фаттоҳ Ғозиевлар юксак да-ражада ўрнига қўйдилар. Айёмининг ўзига хос фа-зилати профессорнинг ҳам, ҳамширанинг ҳам, оддий ши-фхоро фарроғининг ҳам

ағона, катта бир онлага му-жасамлигида яққол кўзга ташланади. Ял-ил атлас ли-бос кийиб олган ҳамшира-лар бири чой ташиб, бири ошу сумалак тортиб, яна бири табассум айлаб меҳ-монлар устида парвона.

Елиб-югуриб хизмат қи-лаётган Гўлҳеҳраҳон Ҳикма-туллоева, Нафисахон Наж-миддинова, Гўлҳеҳраҳон Бў-рибобоевларнинг ширин за-бонини эшитган мунис онахонлар «Варака топул-ларининг тили ҳам, дили ҳам, ўзи ҳам ширин экан-а» дея дуога кўл кўтардилар. «На-бираларим сизларга ўхшаб юрсин, илоҳ» астойдил илти-қилди ёни 80 ни қоралаб қолган боболардан бири.

— Раҳмат, буважон, — миннатдорчилик билдирди-лар ҳамширалар.

Карнай-сурнай садолари тинмай янграйди. Кейин Аҳмаджон Шукров, Ҳасан Бозоров, Бахтиёр Тўла-новдек жумҳуриятда таниқ-ли санъаткорлар навбатма-навбат қўшиқлар, куйлар ижро этдилар. Даврага рақ-қосалар фойз киритдилар.

Байрам иштирокчиларини Октябр ноҳияси ҳокими Аҳмад Миржалилов, Жум-ҳурият соғлиқни сақлаш вазири муовини — Тош-кент шаҳар соғлиқни сақ-лаш бош бошқармасининг бошлиғи Қўлаҳмад Ризаев ва бошқалар илчи сузлар билан қўлаганларидан сўнг суҳбатлар жарроҳлик бў-лими ходимлари тайёрлаган «Келин салом» театрлаш-тирилган кўрсатувига нав-бат бердилар.

Яна кўтовлар, қўшиқ-лар. Ийилганлар «Келин

салом»ни қандай олқишлар билан кутиб олган бўлса-лар, туғруқхона бўлини ши-фхорлари тайёрлаган «Бе-шик тўйи» урғини ҳам шундай қарсақлар билан шарафладилар.

Тантанали тадбирда ҳам-шира Нилуфар Мирсайдова ўзининг Ўзбекистон муста-қиллигига бағишланган ше-рини ўқиб берганида кенс-лар кўздан севинч ёшлари қалқиди. «Бу кунларга ет-ганимизга шукур», дея ен-гил нафас олдилар улар.

Шу кунни дастурхонни дид билан беаганларга совға-лар топириш, шифхонада кўп йиллар ишлаган, ҳаёт-дан кўз юмган нажоткорлар оилаларини моддий йўқлаш, касалхона ходимларидан ай-римларига кул билан ёрдам кўрсатиш каби тадбирлар ҳам «Наврӯз» мазмунига мазмун қўшди.

— Уч йилдан буён бу байрамни жуда кенг нишон-



СУРАТЛАРДА: шифхо-нада ўтган «Янги кун» айёминдан лавҳалар.

Сураткаш: Р. АЛБЕКОВ.

С. ҲАСАНОВ.

лашимиз, — дейди шифхо-на бош врач Мурод Холма-тович Қодиров, — Наврӯз руҳи кучимизга куч, ғай-ратимизга ғайрат қўшишга табиий. У беморлар қалбига чироқ ёқиб, уларни уйро-қийликка чорлайди. Киш-лар чехраларида қуёш ку-лаётгани ҳам шундан. Биз бу байрам жамғармасига 35 минг сўм ўтказдик.

Шифхонадан қайтаёт-ганимизда айём тантанаси тутамган эди. Даврада очил-либ-сочилиб рақсга тушаёт-ган шифхорлар Ҳосият Мирзаева, Жамила Ино-мова, Абдусаттор Ғуломов, Дина Волдиреваларни руҳ-лантйриб янграётган олқишлар жаранги шифхона атрофидаги маҳаллаларга ҳам ёйилиб кетганди.

С. ҲАСАНОВ.



## ОҚИБАТ ОҒУШИДА

Пискент районидан Наврӯз айёминини ўтказишга анча пухта тараддул қўрилган-лиги учун ҳам байрам жу-да фойдали ва мазмунли ўт-ди. Шу кунни районнинг ис-талган бурчада бўлган ки-шии навбахор нафасини, унинг тароват-ю, фойзи-ни яққол сезиши мумкин эди. Эрта тонгдан оғир-ган карнай ва сурнай садо-лари олис-олисларга тара-либ, тантаналар бошлан-ганлигини дарак берди. Пискентликлар шаҳар мар-кази томон тўп-тўп бўлиб оқиб кела бошладилар.

Район ҳокими А. Носи-ров район аҳли ва Наврӯз-ни бирга байрам қилгани неглан меҳмонларни ажо-иб ва завқли айём билан муборакбод этди. Уларга эзу тилаклар билдириб, бугунги кунни завқли ва хушгаҳақ ўтказишларини тилади. Шунингдек ҳоким бу сафарги Наврӯзни ўт-казишга янгича ёндашил-ганлигини, унга тирам наз-

мун бахш этилганлигини билдирди. Районда тантаналар ҳар томонлама кўнгилдагидек ўтиши учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Хоҳлаганлар район ба-дий ҳаваскорлари жамоа-лари ижросида куй-қўшиқ-лар тингашлари мумкин. Сал нарироқда эса байрам-нинг энг кичик қатнашчи-лари учун кўнграч театр-ли томошалари кўрсати-лмоқда. Ёш-ланглар, йил-ти кизлар ҳар ер ҳар ерда дав-ра кўриб рақсга тушмоқда-лар, лалалар айтмоқда-лар.

— Ёшларим эсимга ту-шиб кетди, — дейди улар-га ҳавас билан тикилиб турган 67 ёшли Мойгул опа Аҳадова. Ўзини узоқ йил-лар «Пискент» совхозида ишлаб, ҳозир пенсияга чиқ-қанман. Бугун набирала-рим билан сайлга чиққан эдик. Воқалик кезларимда Наврӯзни жуда катта бай-рам қилганимизни эслай-ман. Бўғизини ота деган

азиз авлиёлар ўтган му-қаддас даргоҳда катта сайл ташкил қилинardi. Майса-лар устида ўтириб олиб, соқларимизга толбаргаклар тақшимиз нақадар гашти-ли эди. Наврӯз куйларидангина йилги ўзига ёйқан қизга чой узатаётиб, қочиримли-ларни айттиш, қиз ҳам унга жавоб қайтарishi мум-кин эди. Ҳатто шундай айтишулардан бири ёдим-да қолган.

Йилги: Бугун тегди бизга ёриниғ нусхаси, қайда Қайда экан бун тиккан устаси, Хо билинг, хо билманг ошникман сизга, Ошникдан ўлиб кетсам, уволни сизга, —

деса Киз: Берган чойингиз аччиқ экан, Бурингиз ҳам пучуқ экан, — деб жавоб қайтарганди ҳазиломуз. — Қани энди қайтиб келган Наврӯзимиз

каби йилгитларимиздаги гу-рур ва андиша, қизлари-миздаги ҳаё ва ифқат ка-би фазилатлар ҳам тезроқ тикланса.

Шаҳар марказидан бош-ланган сайл Охибобоев номли маданият ва истиро-ҳат боғида давом этди. То боққа етгунга қадар йўл-йўлакчи икки томонда сав-до расталари ташкил этил-ган, чанқобосоди ичимлик-лар, шарбатлар, музқай-моқлар сотувга чиқарил-ган. Миллий назаандачи-лик, қандолатчилик ва ярим тайёр маҳсулотлар кўргаз-ма-савдоси уюштирилган. Истироҳат боғида районда-ги барча 11 хўжалик ва 10 та йирик ташиқотлар учун алоҳида-алоҳида жойлар аж-ратилган. У ерда ҳар бир хўжалик ёни ташкилот аъзолари ўларларнинг на-зандалик маҳоратларини, миллий урф-одатларини қай даражада сақлаб қол-ганликларини намойиш эт-ганлар. Баҳор неъматлари-дан кўн сомса, чучваралар

тайёрлаб, дастурхонлар бе-заганлар. Албатта, дастур-хонларнинг энг асосий бе-заги Наврӯзнинг шох таоми сумалак бўлди.

«Ўзбекистон мустақил-лиги», Навоий номли кол-хоз аъзолари шунингдек район марказий касалхона-си ходимлари тузаган Наврӯз дастурхонлари, ай-ниқса юкори баҳоланди.

Наврӯзнинг асосий хис-латларидан бири кўп бо-лали, ва ночор оилалар, кенс ва ёлғиз қариялар, ногиронларга меҳр-муру-ват, савоҳат кўрсатишдир. Шу бонсдан ҳам байрам тан-таналарида иштирок этаёт-ган тинчликни ҳимоя қи-лиш вилоят жамғармаси ранси А. Бранлов 125 минг сўмлик чекни район ҳоким-ига топишди.

— Биз бундан бир неча кун аввал Пискентда бўл-ганимизда район ҳокими-ни аъзолари билди бирга-ликда бир неча ўта ночор ҳаёт кечираётган, уй-жой қўришга ниҳоятда муҳтож оилаларни аниқлаган эдик. Ўйлаймизки, биз ажратаёт-ган бу маблағ ана шундай оилалардан тўрт нафарининг ҳаётини ва уй-жойи-ни яхшилаб олишга бир-мунча ёрдам бўлади. Шу-нингдек комитетимиз аъзо-лари бугун Ангренда бо-ча қўрилиши учун 900 минг, Чирчиқ шаҳри учун 15 минг, Тошкент шаҳри учун эса 100 минг сўм маб-лаг топирадилар.

Вилоят ҳокими ўринбо-сари Шаҳло Маҳмудова ҳам байрамни Пискентда ўтказди. Кўп болили она-ларга «Қаҳрамон она» ор-дени ва совғалар топишди.

Зулхумор ЖўРАЕВА.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

## АЛИШЕР НАВОЙИ НОМЛИ РЕСПУБЛИКА МИЛЛИЙ БОҒИ ВА ХАЛҚЛАР ДУСТЛИГИ МАЙДОНИДАН РЕПОРТАЖ

(Боши 1-бетда).

Майдонга ёш доирачилар кириб келгач, байрам шу-қуҳи янада ортади. Рес-публикамизнинг таниқли санъаткорлари иштирокида сақлалаштирилган янгиш-лар байрам қатнашчилари-нинг олқишлари сазовор бўлди. Уларда ўзбек хал-қининг миллий урф-одат-лари, қадимий ўйинлари мўжасамланди. Таниқли артистлар талқинида Момо Ер ва Наврӯз, буюк бо-бокалонларимиз Мирзо Улуғ-бек, Ибн Сино, Алишер Навоий, шунингдек Увай-сий, Тўмарис қабилар сий-молари намойен бўлади. Гўё улар асрлар оша бизга аж-доқларимизнинг қутлуғ са-ломларини келтиргандек туялади.

Наврӯз байрами респуб-ликаимизда яшайдиган бар-ча миллатлар дўстлиги, би-родарлигининг ҳақиқий намойишига айланиб кетди. Бу ерда қондош қозоғу, жондош тожикчи ҳам, ту-ғишган туркману, севиш-ган озориш ҳам, қардош рус ва беларусини ҳам узратиш мумкин эди.

Пешинга яқин байрам шодибаси Алишер Навоий номли миллий боғда янада авжига чиқди. Бу ерда рес-публикамизнинг турли ви-лоятларидан келган санъ-аткорлар, сўз усталари ва бошқа касбадаги кишиларни узратиш мумкин эди. Хо-разм қўшиқлари Андижон аскиясига улашиб кетади. Махсус майдончада респуб-лика вилоятларидан келган полвонлар курашининг Бу-хоро, Фарғона ва Тошкент-ча усулларида куч синаш-дилар...

Наврӯз шодибасалари бу-тун республикамизда авж олди. Баҳор ва бунёдкор-лик даражаси Наврӯз эз-гулиқ, садоқат, покликни ва меҳр-муруват байра-мига айланиб кетди.

П. НИШОНОВ,  
ЎзА мухбири.

## ДИҚҚАТ!

Олмазор ижара қўрилмиш материаллар комбинати ўзининг феолиятини 1992 йил 15 мартдан

## ТУГАТДИ

Даволар 15 апрелгача қўйидаги манзилда қабул қилинади: Чиноз райони, Олмазор кўрғони, Самар-қанд кўчаси 1 уй.

## ЭЪЛОНЛАР БУРЧАГИ

ҲАШАМАТЛИ МУҲРАР  
ВА ШТАМПЛАР

Мустаҳкам оифатли иоталган тилда иоталган мураккабликда оиз танлаган йўсинда жиҳозланган хуқуқий жиҳатдан қонуний

ТОШКЕНТ

“ФАЙЗ Лтд.”

700003 Тошкент

Байналмилал кўчаси, 2-уй

Мулоқот телефонлари 45-45-56 45-43-56

Байналмилал кўчаси, 2

Олмазор кўчаси

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирли-ғи жамоаси вазирлигининг моддий жамғармалар ва ёқил-энергетика ресурслари бошқармаси бош мута-хассиси

Илбс Ҳидоятжан


бевект вафот этганлигини чуқур қайғу билан билди-ри, марҳумнинг она аъзоларига таъзия нэхор қила-ди.

Тошкент вилояти қишлоқ хўжалик моддий-техни-ка таъминоти ва таъмирлаш корхоналари бирлаш-маси жамоаси шу корхона транспорт бўлими бош-лиғи

Мухтор Нозимжонович

НОСИРОВНИНГ

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг она аъзоларига таъзия нэхор қилади.



Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ  
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА  
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНА-  
ЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛҒОХ:  
700000 ТОШКЕНТ, ГСП  
ЛЕНИНГРАД  
КЎЧАСИ, 32.



Муҳаррир ўринбосарлари — 325685, 325747, 325748, 337016; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; бўлимлар: шўролар ҳаёти — 325778, 337010; қишлоқ хўжалиги — 325847; савоат, қўрилмиш ва транспорт — 325749, 337010; иқтисодий масалалар — 325845; маданият — 325787; адабиёт ва санъат; миллий қадриятлар — 325553; ёшлар ҳаёти, ахборот ва спорт — 325556, 330915; халқлар ва оммавий ишлар — 325354, 334048; аълолар — 325666.

